

**Жавохирхон СОБИРОВ**

Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
Халқаро муносабатлар ва ижтимоий фанлар  
кафедраси ўқитувчиси sjavohirkhon@iiu.uz

### МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИНИНГ ХАМКОРЛИГИДА МИНТАҚАВИЙ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЎРНИ

### ROLE OF REGIONAL ORGANIZATIONS IN COOPERATION OF CENTRAL ASIAN COUNTRIES

### РОЛЬ РЕГИОНАЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ В СОТРУДНИЧЕСТВЕ СТРАН ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

**Аннотация:** Мазкур мақолада Марказий Осиёнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлашда минтақавий ташкилотлар аҳамияти, хусусан, туркий тили давлатлар ҳамкорлиги кенгаши ва Шанхай ҳамкорлиги ташкилотининг минтақа ривожидида тутган ўрнига тўхталиб ўтилган. Мазкур минтақа давлатларининг барқарор ривожланиши ва хавфсизлиги масалаларига минтақавий ташкилотларнинг таъсири ёритиб берилган. Минтақа тараққиётига бевосита таъсир кўрсатадиган Туркий Кенгаш ва ШХТ фаолияти таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Марказий Осиё, ҳамкорлик, интеграция, минтақавий ташкилотлар, Туркий тили давлатлар ҳамкорлиги кенгаши Туркий Кенгаш, ШХТ, хавфсизлик, барқарорлик.

**Аннотация:** В данной статье рассматривается роль региональных организаций в укреплении сотрудничества в Центральной Азии, в частности роль Совета Сотрудничества Тюркоязычных Государств и Шанхайской Организации Сотрудничества в региональном развитии. Подчеркивается влияние региональных организаций на вопросы устойчивого развития и безопасности стран региона. Анализируется деятельность Тюркского Совета и ШОС, оказывающая непосредственное влияние на развитие региона.

**Ключевые слова:** Центральная Азия, сотрудничество, интеграция, региональные

организации, Совет сотрудничества тюркоязычных государств, Тюркский Совет, ШОС, безопасность, стабильность.

**Annotation:** The role of regional organizations in strengthening cooperation in Central Asia, in particular the role of the Cooperation Council of Turkic-speaking States and the Shanghai Cooperation Organization in regional development is considered in this article. The influence of regional organizations on the issues of sustainable development and security of the countries of the region is emphasized. The activity of the Turkic Council and the SCO, which has a direct impact on the development of the region, is analyzed.

**Keywords:** Central Asia, cooperation, integration, regional organizations, Cooperation Council of Turkic-speaking states, Turkic Council, SCO, security, stability.

### КИРИШ

Халқаро ташкилотлар халқаро муносабатлар субъектларидан бири ҳисобланади. Халқаро ҳуқуқда давлатлар асосий рол ўйновчи сифатида эътироф этилади. Бундай ёндошувларда бошқа институтлар асосий субъект сифатида қаралмайди. Шунга қарамайдан, халқаро ташкилотлар (ХТ) халқаро ҳамжамиятда ҳам ижобий, ҳам салбий эътиборни кучайтирмоқда. Улар тобора сиёсатшуносларнинг эътибори ва диққат марказидаги масалалардан бирига айланмоқда.

Халқаро ташкилотларни “халқаро тизим аъзолари ўртасида тизимли шартларга мувофиқ мақсадларга эришиш, аъзоларининг манфаатлари, интилишлари ва хавотирларини акс эттирувчи институционал келишув” деб таърифлаш мумкин. Ва уларнинг асосий қондасини изоҳлаб берадиган нарса – бу миллий давлатнинг суверенитети ҳисобланади.

Давлатлар ҳамкорлик учун восита сифатида халқаро ташкилотлардан фойдаланадилар. Бу сабабга кўра, давлатлар автономияларини чеклаши ёки узайтириши, уларнинг фаолиятига аралашиши, уларни қайта тузиши ёки тарқатиб юбориши мумкин. Давлатларнинг халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш истагининг асосий сабабларидан бири, улар ҳар доим ҳам мавжуд бўлмаган тажриба, билим, маълумот, вақт ва ресурсларни талаб қиладиган масалаларда ўз ваколатларини топширишидир.

Халқаро ташкилотлар қонунийликка эга бўлган ва давлат фаолиятининг қонунийлигига таъсир қиладиган ҳаракатларни амалга

оширадилар. Хатто марказлаштириш ҳам улар орасидаги мураккаб ўзаро таъсирлар шароитида давлатларнинг тасаввурини ўзгартириши мумкин.

Халқаро ташкилотлар воситачилик, низоларни ҳал қилиш, тинчликни сақлаш, санкцияларни қўллаш ва бошқалар каби халқаро сиёсатнинг муҳим эпизодларида муҳим рол ўйнайди. Бошқача қилиб айтганда; ташкилотлар хусусий шахслар эмас, балки давлатлар ўртасида келишув асосида тузиладиган тузилмалардир. Масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ), Халқаро валюта фонди, Жаҳон савдо ташкилоти ва Жаҳон Банки каби давлатлар томонидан имзоланган шартномалар асосида тузилган ва шунинг учун улар ҳукуматлараро институтлардир. Ҳозирда улар соғлиқни сақлашнинг глобал сиёсатидан тортиб, бутун дунёдаги пул-кредит сиёсатига, халқаро муаммоларга ечим топишда ва турли муҳим соҳаларини бошқаришда ёрдам беради.

Шу ўринда, давлатлар ривожланишида халқаро минтақавий ташкилотларнинг ўрнини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Халқаро минтақавий ташкилотлар алоҳида китъалар давлатлари, уларнинг қисмлари ёки катта минтақалари давлатлари иштирок этадиган халқаро ташкилотлар ҳисобланади. Улар сиёсий ва иқтисодий интеграцияни ривожлантириш учун ташкил этилган ёки чекланган географик ёки геосиёсий чегарадаги давлатлар ёки субъектлар ўртасидаги ҳамкорликни йўлга қўйишда мулоқот майдони вазифасини ўтайди.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Президент Шавкат Мирзиёев “Янги Ўзбекистон стратегияси” номли китобида: “Биз хорижий мамлакатлар ва халқаро тузилмалар билан амалий мулоқотни ривожлантириш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва амалий шерикликни кенгайтиришга бундан буён ҳам катта аҳамият қаратамиз” [1] – дея таъкидлагани ҳам бежизга эмас. Ҳозирда давлатларни ривожланишида минтақавий ташкилотларнинг ўрни янада долзарблашиб бормоқда.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) каби минтақавий институтлар доирасида Ўзбекистоннинг ҳамкорлиги сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Мамлакатимиз 2019

йилда аъзо бўлган Туркий тилли давлатларнинг ҳамкорлик кенгаши (ТДХК) фаолиятида иштирок этиши Тошкентнинг кўп томонлама дипломатиясининг янги йўналишига айланди [2].

Ўзбекистон томони кўп томонлама ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш соҳасидаги ҳамкорлик воситаси деб билади. Бугунги кунда ШХТ ўзини тўлақонли ва нуфузли халқаро ташкилот сифатида қатъий шаклланди, деб айтиш мумкин.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) – минтақавий халқаро ташкилот бўлиб, 2001 йил Ўзбекистон Республикасининг “Шанхай бешлиги” деб аталмиш ташкилотга аъзо бўлиб кириши билан ташкил топганлиги ва ушбу ташаббус Республикамиз биринчи Президенти И.А.Каримов билан боғлиқлиги ҳаммамизга маълум. ШХТ ташкил топганидан сўнг асосий вазифа сифатида қуйидагиларни эълон қилди: хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш; терроризм, сепаратизм, экстремизм ва наркотрафикка қарши курашиш; илм-фан ва маданий ҳамкорликларни ривожлантириш.

Халқаро террорчилик, радикал, тажовузкор экстремизм ва айирмачилик, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш ШХТ фаолиятининг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Айнан ушбу уч ёвуз куч билан курашиш ва бу йўлда минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш ШХТнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 10 ноябрдаги Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг видеоанжуман шаклида ўтган навбатдаги мажлисида нутқ сўзлар экан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ўз тараққиётининг принципаал жиҳатдан янги босқичида турганини алоҳида таъкидлаб ўтди [3].

ШХТ тузилганидан буён аъзо давлатлар биринчи ўринни ички зиддиятларни ҳал этиш, экстремизм ва наркомафияга қарши курашишда консенсусга эришиш масаласига қаратдилар. Буларга далил сифатида биринчи навбатда Минтақавий Аксилтеррор Тузилмасининг ташкил этилиши (2004 йил) ва ундан сўнггина узок муддатли яхши қўшничилик, дўстлик

ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномасини тузилганлигини мисол килиб келтириш мумкин.

ШХТга аъзо давлатлар дунёнинг турли минтақаларидаги бўлаётган конфликтли ҳолатларни фақатгина халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган меъёр ва тамойилларига асосланган ҳолда сиёсий-дипломатик йўл билан ҳал этиш тарафдоридир.

ШХТ фаолияти фақатгина сиёсий ва ҳарбий масалаларни ҳал этиш билан чекланиб қолгани йўқ. Ташкилот доирасида иқтисодий ҳамкорликнинг ҳам муваффақиятли ривожланаётганлиги кузатилмоқда. 2016 йил 2 мартда Москвада ўтказилган форумда Евросиё Иқтисодий Иттифоқи ва ШХТ давлатлари иқтисодий минтақавий ҳамкорлиги тўғрисида шартнома тайёрланаётганлигини эълон қилдилар. Ташкилотнинг иқтисодий ҳамкорлиги қуйидаги йўналишларга асосланади: минтақавий иқтисодий ҳамкорликнинг турли кўринишларига кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш, товарлар, капиталлар, хизматлар ва технологияларнинг эркин ҳаракатланиши учун савдо ва инвестициялар учун энг мақбул шароитлар яратиш, транспорт ва коммуникация соҳасидаги мавжуд инфраструктуралардан самарали фойдаланиш, ШХТга аъзо давлатлар транзит имкониятлари такомиллаштириш, энергетика тизимини ривожлантириш кабилар ташкил этади.

ШХТнинг аъзоларининг сонини ўсиши ташкилот умумий бозорининг кенгайишига олиб келди. Ташкилот доирасида олға сурилаётган ташаббуслар ҳисобига янги чақирувларга муносиб жавоб қайтариш имконияти яратилмоқда. Ушбу ҳолат капитал жамғармалари ҳимояси масаласига, ишлаб чиқариш меъёрларини биргаликда ишлаб чиқишга ва товарларнинг чегаралараро ҳаракати жараёнини оптималлаштиришга тааллуқлидир. ШХТ таркибининг кенгайиши ва янги аъзолар мақсадларининг ўзаро муштараклиги ташкилот доирасида амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигини белгилаб беради.

ШХТ тузилганидан буён аъзо давлатлар биринчи ўринни ички зиддиятларни ҳал этиш, экстремизм ва наркомафияга қарши курашишда консенсусга эришиш масаласига қаратдилар. Айнан шуларни бартараф этгандан сўнггина минтақада барқарорликка эришиш мумкин. Шу

билан бирга, ШХТга аъзо давлатлар дунёнинг турли минтақаларидаги бўлаётган конфликтли ҳолатларни фақатгина халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган меъёр ва тамойилларига асосланган ҳолда сиёсий-дипломатик йўл билан ҳал этиш тарафдоридир.

Туркий тилли давлатлар кенгаши ривожланиб бораётган минтақалараро ташкилотлардан бири ҳисобланади. Ушбу ташкилот туркий тилли мамлакатларнинг этнолингвистик бирлиги асосида яратилган. Ташкилотнинг асосий мақсади аъзо давлатларнинг ҳар томонлама дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг очик ва прагматик ташқи сиёсати, узоқ ва яқин давлатлар билан ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш борасидаги ташаббуслари туфайли кейинги йилларда Ўзбекистоннинг дўстлари, хайрихоҳлари кўпайди. Қўшни, яқин ва узоқ мамлакатлар билан мутлақо янги – соғлом сиёсий ва иқтисодий алоқалар йўлга қўйилди. Халқаро ҳамкорликнинг янги йўналишлари, янги механизмлари жорий этилмоқда. Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши ана шундай янги мулоқот майдонларидан биридир. Бу ташкилот 2009-йил 3-октябрда Озарбайжоннинг Нахичеван шаҳрида тузилган бўлиб, дастлаб унга Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон ва Қирғизистон аъзо эди.

Мазкур тузилмага Ўзбекистон 2019-йили октябр ойида Боку шаҳрида бўлиб ўтган саммит доирасида тўлақонли аъзо сифатида кирди. Шу тариқа расмий Тошкент унинг ташқи сиёсатидаги устувор мақсадлардан бири кўп томонлама форматларда ўзаро манфаатли шерикчиликни кучайтириш эканлигини яна бир бор амалда исботлади. Қолаверса, Туркий Кенгашдаги ўз иштироки орқали мамлакатимиз туркий дунёда бирдамлик руҳи ва ишонч муҳитини мустаҳкамлаш сиёсатига содиқлигини ва ташкилот доирасида кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр эканлигини кўрсатиб қўйди.

Ўзбекистон Туркий кенгашга аъзолик мақомини қабул қилиш истагини билдирганда, албатта, бундай ҳамкорлик формати доирасидаги шерикчиликка талаб ортиб бораётганлигини, ташкилотдаги мавжуд механизмлардан

фойдаланиш мамлакат анъанавий шериклари билан ҳамкорликни янги сифат босқичига олиб чиқиши ва бу алоқаларнинг давомли ривожини туркий тилли халқлар умумий манфаатларига хизмат қилиши муқаррарлигини инобатга олган.

Президент Шавкат Мирзиёев Озарбайжон саммитида сўзлаган нутқида Ўзбекистоннинг ташкилотга аъзо бўлиши, ҳеч шубҳасиз, табиий ва тарихий жараёнлар ифодаси эканини таъкидлади. “Туркий Кенгашга аъзолик халқимизнинг туб манфаатларига тўла жавоб беради. Бугунги кунда ўртамизда нафақат маданий-маънавий алоқалар, балки савдо-иқтисодий муносабатлар ҳам янги босқичга кўтарилмоқда. Охирги уч йилда давлатларимизнинг ўзаро савдо ҳажми салкам икки баробарга ошди, мингдан ортиқ янги қўшма ширкатлар очилди. Транспорт қатновлари кенгаймоқда, визасиз тартиб асосида туристлар оқими тобора кўпаймоқда, халқларимизнинг қардошлиқ ришталари мустаҳкамланмоқда” [4], – деди Ўзбекистон давлат раҳбари.

Ўзбекистонда Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши доирасида алоқаларни ривожлантириш учун асосий устувор мақсадлар ва умумий манфаатларга жавоб берувчи йўналишлар белгилаб олинган. Улар доирасидаги давомли биргаликдаги фаолиятни таъминлаш учун барча имкониятларнинг сафарбар этилиши ҳамкорликни бир сифат босқичидан иккинчи сифат босқичига олиб чиқиши шубҳасиз.

Бугунги кунга келиб Туркий кенгашга аъзо давлатлар қардошлиқ ва биродарлик руҳидаги ҳамда иқтисодий манфаатлар устуворлиги асосида шакллантирилган ҳамкорликнинг янги босқичи сари дадил қадамлар билан одимлашмоқда. Мамлакатлар етакчиларининг сиёсий иродаси, очик, конструктив сиёсатлари ва мунтазамлик касб этаётган олий даражадаги учрашувлар туфайли қардош халқларнинг кўп асрлик дўстлик ришталари қайта тикланмоқда [5]. Бу эса ўз навбатида, Марказий Осиё давлатлари тараққиётида муҳим омиллардан бири сифатида намоён бўлади.

### ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, Марказий Осиё минтақаси давлатларининг ривожланишида минтақавий ташкилотларнинг

ўрни аҳамиятли бўлиб, улар минтақа давлатларининг турли соҳалардаги фаолиятининг асоси ва барқарор истиқболи бўлиши мумкин. Халқаро минтақавий ташкилотлар доирасида ҳамкорлик минтақавий интеграцион жараёнларни тўлдиради ва бу жараённи янада фаоллаштиришга хизмат қилади. Интеграцион жараёнлар бир томонлама манфаатга қаратилмасдан, балки, ўзаро тенг манфаатли ҳамкорликни кўзлаши Марказий Осиё давлатларининг истиқболлини белгиловчи омил бўлиб хизмат қилади.

### МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – Б. 464.
2. Sobirov J. Participation of Uzbekistan in The Cooperation Council of Turkic Speaking States. Scientific Collection «InterConf», (39): with the Proceedings of the 8th International Scientific and Practical Conference «Science and Practice: Implementation to Modern Society» (December 26-28, 2020). Manchester, Great Britain: Peal Press Ltd., 2020. 1851
3. <https://president.uz/uz/lists/view/3937>
4. <https://uza.uz/uz/posts/zbekistonning-turkiy-kengashga-azo-b-lishi-tabiyy-va-tarikh-15-10-2019>
5. Sobirov J. (2020). International Relations Between Turkic Speaking States. The American Journal of Political Science Law and Criminology, 2(12), 144-149. <https://doi.org/10.37547/tajpslc/Volume02Issue12-22>
6. Центральная Азия. Геополитика и экономика региона. – Москва: Институт стратегических оценок и анализа, 2010.
7. Muhammadsidiqov M. (2018). The Influence of “religious factor” on Ethno-Political and Confessional Conflicts in Muslim Countries. The light of Islam, 2018(1), 18.
8. Berdiyev B. (2020). Central Asia: International Relations as a Factor of Regional Stability and Integration. The American Journal of Political Science Law and Criminology, 2(10), 118-122.
9. Nazirov M. (2016). Some thoughts on the study of the evolution of political processes in Uzbekistan in 1989-1991. The Strategies of modern science development: Proceedings of the XI International scientific-practical conference, North Charleston, USA. CreateSpace, 60-65.